

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ КАРДИОЛОГИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР КАРДИОЛОГИИ**

ЮСУПОВА ХАФИЗА ФУРКАТ КИЗИ

**КЛИНИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ НИТРЕНДИПИНА В
СОСТАВЕ КОМБИНИРОВАННОЙ АНТИГИПЕРТЕНЗИВНОЙ
ТЕРАПИИ У БОЛЬНЫХ ЭССЕНЦИАЛЬНОЙ ГИПЕРТЕНЗИЕЙ С
КОГНИТИВНЫМИ НАРУШЕНИЯМИ.**

14.00.06 – Кардиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКОМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Юсупова Хафиза Фуркат кизи

Эссенциал гипертензияли когнитив бузилиши бор беморларда нитрендипин асосидаги комбинациялашган антигипертензив даволашнинг клиник самарадорлиги. 3

Юсупова Хафиза Фуркат кизи

Клиническая эффективность нитрендипина в составе комбинированной антигипертензивной терапии у больных эссенциальной гипертензией с когнитивными нарушениями..... 24

Yusupova Khafiza Furqat kizi

Clinical efficacy of combined antihypertensive therapy with the inclusion of nitrendipine in patients with essential hypertension with cognitive impairment... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work..... 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЮСУПОВА ХАФИЗА ФУРКАТ КИЗИ

**ЭССЕНЦИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯЛИ КОГНИТИВ БУЗИЛИШИ БОР
БЕМОРЛАРДА НИТРЕНДИПИН АСОСИДАГИ
КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АНТИГИПЕРТЕНЗИВ ДАВОЛАШНИНГ
КЛИНИК САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2022.1.PHD/Tib2408 рақам рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдуллаева Гузаль Жалолиддиновна**
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Тулабоева Гавхар Миракбаровна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Магзумова Шахноза Шахзадэевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент Тиббиёт Педиатрия Институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент ш., Осиё кўчаси 4, Тел.: (+99871) 234-16-67; e-mail: cardiocenter@mail.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Осиё кўчаси 4, Тел.: (+99871) 234-16-67.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Д.Курбанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Г.У.Муллабаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори

А.Б.Шек
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда hozirgi кунда юрак-қон томир касаллирларидан ўлим даражаси сезиларли даражада камайганига қарамай, қон босимининг узок вақт кўтарилиши мияга зарарли таъсирнинг асосий сабаби бўлиб, глобал касалланишга катта ҳисса қўшади. Жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, “...бугунги кунда дунё бўйлаб 50 миллионга яқин одам деменциядан азият чекмоқда, 2030 йилга келиб деменция билан оғриган беморлар сони 82 миллион кишига етиши кутилмоқда ва 2050 йилга келиб уларнинг сони 152 миллионни ташкил этади”¹. Шунини таъкидлаш керакки, потенциал ўзгартирилиши мумкин бўлган хавф омилларининг юқори частотаси туфайли паст ва ўрта даромадли мамлакатларда деменция билан касалланганлар сони, юқори турмуш даражасига эга мамлакатлар билан таққослаганда, тезроқ ўсиб бормоқда.

Жахонда hozirgi кунда олимлар артериал гипертония (АГ) ва деменция ривожланишига олиб келадиган хавф омилларини бартараф этишга, шунингдек уларни деменциядан олдинги босқичларда аниқлашга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳеч шубҳа йўқки, бу нафақат терапияни эрта бошлашга, балки когнитив бузилишларнинг деменцияга ўтишининг секинлашишига ва ижтимоий, маиший ва иш мослашувининг узокроқ сақланишига олиб келади. Европа кардиологлар ҳамжамияти тавсияларига кўра, когнитив бузилишлар юрак-қон томир касалликларини прогнозини ёмонлаштириши, даволанишга паст риоя қилиш фонида шифохонага мурожаатлар ва госпитализациялар миқдорини, ўлим кўрсаткичларини кўпайтириши, хаёт сифатига салбий таъсир кўрсатиши исботланган. Бутун дунёда, қолаверса, бизнинг мамлакатимизда, артериал гипертония билан оғриган беморларда когнитив бузилишларни башорат қилувчи хавф омилларини аниқлаш ва даволаш тактикасига ёндашувни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган кардиологик хизматлари сифатини яхшилаш, ҳудудларда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва самарали даволаш ишларини кенгайтириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш бўйича кенг чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегияси”² аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича вазифалар киритилган. Шу муносабат билан юрак-қон томир касалликларида тиббий ёрдам кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш, даволашни оптималлаштириш ва беморларнинг хаёт сифатини яхшилаш учун инновацион технологиялар жорий этиш, бунинг натижасида

¹ ЖССТ Статистик таҳлил, 2017 г

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

юрак-қон томир касалликларидан ногиронлик ва ўлим ҳолатларини олдини олиш ўта долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 27 сентябрдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2022-йил 26-январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларини олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда, мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли мамлакатларда ўтказиляётган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, артериал гипертензия мия томирларининг шикастланиши учун энг кучли ўзгартириладиган хавф омилдир, сўнгги бир неча ўн йилликларда инсулт ва ўлимнинг кескин камайиши гипертензияни муваффақиятли даволаш билан боғлиқлиги айтилмоқда [Moser M, Roccella EJ,2013]. Lancet журналининг 2020 йилдаги ҳисоботда когнитив бузилиш учун 12 та ўзгарувчан хавф омиллари тақдим этилди, улар орасида гипертензия етакчи ўринни егаллади. Гипертензиянинг ўртача давомийлиги ва умумий когнитив бузилишлар сезиларли боғлиқликлар аниқланган, ва ўрта ёшли беморларда (45 ёшдан 65 ёшгача) когнитив бузилиш ривожланиш хавфининг сезиларли даражада ошиши, шунингдек, систолик қон босими (СҚБ) ортиши билан ўрта ёшда когнитив бузилиш ривожланиш хавфи ассоциацияси, диастолик қон босимининг (ДҚБ) ошиши ҳам тасвирланган [Ou YN, Tan CC, Shen XN, et al,2020].

Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қон босимининг ошиши эндотелияга зарар етказди ва инсулт хавфини оширади, шунингдек деменциянинг кўп қиррали патогенезида иштирок этади [Emdin SA, Rothwell PM,2016]. Шунга қарамай, далиллар шуни кўрсатадики, қон босимининг кўтарилишидан қатъи назар, қон босимининг ўзгарувчанлиги яна бир муҳим қон томир хавф омил сифатида ишлайди [Parati G, Stergiou GS,2018]. Бугунги кунга келиб, СҚБ нинг ўзгарувчанлиги ва ДҚБ анинг ўзгарувчанлиги когнитив функцияларнинг турли соҳаларига таъсир қилиши ҳақида далиллар мавжуд. Хусусан, СҚБ ўзгарувчанлигининг ошиши хотира функциясининг пасайиши билан боғлиқлигини аниқлади, ДҚБ да ўзгарувчанликнинг ошиши эса 40-75 ёшдаги ахборотни қайта ишлаш тезлиги ва ижро маҳорати билан боғлиқлиги кўрсатилди [Zhou TL, Kroon AA, van Sloten TT, et al,2019]. Артерияларнинг эластик хусусиятларига ўзгарувчанликнинг таъсирига асосланган

патофизиологик механизмлар тўлиқ ёритилмаганига қарамай, СҚБ ўзгарувчанлиги ва юқори қон босими билан боғлиқ артериал қаттиқликни тасвирлаган бир қатор тадқиқотлар мавжуд [Schillaci G, Bilo G, Pucci G, et al.,2012].

Ўзбекистонда, артериал гипертензия билан боғлиқ сурункали цереброваскуляр касалликларнинг клиник ва патогенетик ва молекуляр генетик хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Хусусан, Ходжаев А.И., Салимова Н.Р., Махкамова Н.У., Тулабоева Г.М., Гафуров Б.Г. каби бир қанча олимлар ишларида ёритилган. Уларнинг ишлари сурункали цереброваскуляр етишмовчилик ва когнитив бузилишларнинг гипертензия билан оғриган беморларда каротид артериялардаги таркибий ўзгаришлар, клиник ва патогенетик хусусиятларининг кечишини ўзини хослигига бағишланган.

Бугунги кунга қадар эссенциал гипертензия билан (ЭГ) оғриган беморларда когнитив бузилишларини башорат қилувчи хавф омилларини аниқлаш , молекуляр-генетик текширув ўтказиш , когнитив бузилиши бор беморларда антигипертензив терапияни тактикасига ёндашувни ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар Республикамиз ҳудудида аввал ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида ПЗ-2017-091210 «Эссенциал гипертензияда қон томирларининг эрта қаришини эрта ташхислаш усуллариини ишлаб чиқиш билан атеросклерознинг дифференциал фармакотерапиясини оптималлаштириш» лойиҳаси ва ПЗ-202007075 «Генетик ва эпигенетик башорат қилувчиларни ҳисобга олган ҳолда эссенциал гипертензияни ташхислаш, башорат қилиш ва даволаш учун табақалаштирилган алгоритмик модулни ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида амалга оширилди (2018-2020),(2021-2024).

Тадқиқотнинг мақсади эссенциал гипертензия билан оғриган беморларда когнитив бузилишларни предикторларини аниқлаш, диагностика ва антигипертензив терапияга ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эссенциал гипертензия билан оғриган беморларда когнитив бузилишларнинг клиник ва гемодинамик предикторларини аниқлаш;

эссенциал гипертензия билан оғриган беморларда когнитив бузилишнинг ривожланиши билан номзод ген полиморфизмининг ассоциациясини аниқлаш;

эссенциал гипертензия билан оғриган беморларда нитрендипин ва амлодипинни асосида комбинацияланган антигипертензив терапиянинг кунлик қон босими профилининг параметрларига таъсирини ва самарадорликни аниқлаш;

иккита терапия режимининг психологик тест ўлчовлари бўйича когнитив бузилишлар динамикасига таъсирини аниқлаш;

когнитив бузилишларни ҳисобга олган ҳолда эссенциал гипертензия билан оғриган беморларнинг антигипертензив терапиясига дифференциал ёндашувни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида кузатув остидаги I-III даражаси артериал гипертензия билан оғриган (ЕКЖ/ЕГЖ, 2018), 111 та, 30 ёшдан 70 ёшгача бўлган, амбулатор даволанган бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг анамнези, физикал текширув маълумотлари, юракнинг морфо-функционал параметрларини, умумий каротид артерияларнинг интима-медиа комплексини, томирларнинг минтақавий ва тизимли қаттиқлиги ва эластик хусусиятларини, қон босими профилини кўрсаткичлари, қоннинг биокимёвий таҳлили, буйрак функциясини кўрсаткичлари, когнитив функцияларни кўрсаткичлари ва молекуляр-генетик текширувни натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, функционал, инструментал, биокимёвий текширув усуллари, шунингдек статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қонда сийдик кислотаси миқдори ошиши эссенциал гипертензия (ЭГ) билан оғриган беморларда томирларнинг эндотелийси шикастланиши сабабли когнитив бузилишларнинг ривожланишига ҳисса қўшиши аниқланган;

артериал қаттиқликни ошиши ва кунлик қон босим профилининг бўзилиши когнитив бузилишининг оғирлиги билан боғлиқ бўлиб, буни бир нечта психологик тестлар билан исботланган;

ЭГ билан оғриган беморларда нитредипин ва амлодипин комбинацияланган антигипертензив даволаш гуруҳларида кунлик қон босими профилининг ижобий динамикаси билан бирга кардио, вазопротекцияси, чап қоринча миокард массаси индексининг пасайиши ҳамда микроалбуминурия даражасига ижобий самара кузатилганлиги билан бир вақтда фақатгина нитрендипин асосида комбинацияланган антигипертензив даволаш фонида артерияларнинг эластик хусусиятлари яхшиланганлиги аниқланган;

психологик тест натижалари динамикасининг қиёсий таҳлили нитрендипинни асосида булган антигипертензив терапия фонида, айниқса когнитив нуқсонни бўлган беморларнинг кичик гуруҳида препаратнинг қон-босимга боғлиқ эмас механизми туфайли афзалликларни аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

когнитив бузилиш хавфини камайтириш учун ЭГ билан оғриган беморларни комплекс текширишда нейро-психологик тестларни, хусусан, Мини-Ког тестини ва МОСА шкаласини антигипертензив терапияни табақалаштирилган танлаш учун киритиш тавсия этилган;

ЭГ билан оғриган беморларда когнитив бузилиш хавфини оширадиган гиперурекемик ҳолатни ўз вақтида тузатиш учун қондаги сийдик кислотаси даражасини аниқлаш тавсия этилган;

бирламчи тиббий ёрдам шифокорлари вақт ва диагностика чекловларини ҳисобга олган ҳолда Мини-Ког тест ўтказиш тавсия этилган;

когнитив нуқсони бўлган ва артериал қаттиқлиги ошган ЭГ беморларига нитрендипин асосида комбинацияланган антигипертензив терапия таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қулланиладган назарий ендашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқоткаларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонини етарлиги, қулланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга зарурий клиник, биекимевий, лаборатор-инструментал, молекуляр-генетик, ҳамда статистик усуллар ердамида ишлов берилганлиги, хорижий ва маҳаллий тадқиқоткалар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижаларни ваколарли тузилма томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, эссенциал гипертензия билан оғриган беморлар учун антигипертензив терапияни оптималлаштириш ва тўғри комбинацияни танлаш учун клиник, анамнестик, биокимевий ва инструментал тадқиқотлар натижалари билан бир қаторда беморларнинг нейрпсихологик ҳолатини Мини-Ког ва МОКА тестлари ёрдамида аниқлаш ва когнитив бузилишларни даражасини ҳисобга олиш ва шундан келиб чиқиб антигипертензив терапияни танлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ЭГ билан оғриган беморларда дифференциал равишда танланган антигипертензив даволаш цереброваскуляр асоратларнинг ривожланиш хавфини камайтиради, эрта когнитив бузилишларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, бу эса даволанишга риоя қилишни оширади ва шу билан бир қаторда, юрак-қон томир асоратлари хавфини, жумладан, миокард инфаркти, бош мия қон айланиши ўткир бузилиши, юрак аритмияларини камайтиради, бу эса ўз навбатида беморлар орасида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий этилиши. "Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази" давлат муассасасининг Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2022 йил 28 ноябрдаги 181-сонли хати юборилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабрдаги 8н-з/674-сонли бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларида илмий инновацияларни жорий етиш тўғрисидаги хулосасини олди):

Биринчи илмий янгилик моҳияти: ЭГ билан оғриган беморларда қонда сийдик кислотаси даражасининг ошиши когнитив бузилишларнинг ривожланишига ҳисса қўшиши аниқланди, бу сийдик кислотаси юқори беморлар гуруҳида, сийдик кислотаси қийматлари нормал гуруҳга нисбатан когнитив нуқсони бўлган беморларнинг сезиларли даражада кўплиги (деярли

1,8 баравар) билан ифодаланади. Илмий янгилик аҳамияти: ЭГ билан оғриган беморларда қонда сийдик кислотаси даражасини аниқлаш ва нейрпсихологик текширувдан утказиш, нафақат қон босимини назорат қилиш, балки когнитив функцияларни яхшилаш учун антигипертензив дориларнинг дифференциал тўғри комбинациясини танлаш имконини беради. Илмий янгиликни амалиётга тадбиқ қилиниши: Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Наманган вилояти филиали бўйича 02.11.2023 йилдаги №191 ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти минтақавий филиали 09.11.2023 йилдаги №70 жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ЭГ билан оғриган беморларда когнитив бузилишларни ҳисобга олган ҳолда антигипертензив дориларни буюришда дифференциал ёндашув, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланиши, даволанишга риоя қилишни кучайтириш билан асосланади. Илмий янгиликни иқтисодий самарадорлиги қуйидгича ифодаланади: қондаги сийдик кислотаси даражасини аниқлаш, шунингдек, ЭГ билан оғриган беморларни нейрпсихологик текширувдан ўтказиш зарурати ва аҳамияти билан асосланади. Тадқиқот натижаларини амалга ошириш ЭГ билан оғриган беморларда асоратларни ривожланишини секинлаштириш ва йўқ қилишга имкон беради, хусусан, когнитив бузилишлар, бу охир-оқибат даволаниш самарадорлигини оширади, қайта касалхонага ётқизишни камайтирди, ногиронлик фоизини камайтирди. Шубҳасиз соғлиқни сақлаш тизими томонидан иқтисодий харажатлар миқдорини сезиларли даражада камайтирди. Тадқиқот натижаларини амалга ошириш ЭГ билан оғриган беморларда асоратларни ривожланишини секинлаштириш ва йўқ қилишга имкон беради, хусусан, бош мия қон айланиши ўткир бузилиши, миокард инфаркти ва когнитив бузилиш, бу охир-оқибат даволаш самарадорлигини оширади, касалхонада қолиш муддатини 5 кунга қисқартиради, бу эса Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида даволанаётган ҳар бир бемордан 1.660.000 сўмдан тежаш имконини беради. Хулоса: ЭГ билан оғриган беморларнинг қонида сийдик кислотаси даражасини аниқлаш ва нейрпсихологик текширув ўтказиш ҳар бир беморга 1.660.000 сўмни тежаш имконини беради, антигипертензив дориларни тўғри индивидуал буюриш, бу беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланиши, даволанишга риоя қилишни ошириши, самарадорлигини ошириш имконини беради. Даволаш, қайта касалхонага ётқизишни камайтириш, беморларнинг ногиронлик фоизи ва соғлиқни сақлаш тизимидаги иқтисодий харажатлар миқдорини сезиларли даражада камайтиради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази томонидан 28.11.2022 йилдаги 181-ИК сонли хат юборилган.

Иккинчи илмий янгилик моҳияти: артериал қаттиқликнинг ошиши ва кунлик қон босими профилининг бузилиши когнитив бузилишнинг оғирлиги

билан боғлиқлиги аниқланди, шунинг учун пулс тўлқини тезлиги > 10 м/с бўлган беморлар орасида когнитив нуқсони бўлган беморлар сони когнитив бузилишларсиз беморларга нисбатан 2,3 барабар кўпни миқдорни ташкил этди: 69,8% ва 30,2% мос равишда, пулс тўлқини тезлиги кўрсаткичи билан Мини-Сог тестидаги умумий баллнинг тескари корреляцияси ва МОКА шкаласи бўйича ўртача кунлик САҚБ кўрсаткичи билан умумий балл, кундузи САҚБ нинг ўзгарувчанлиги ва кундузи ДАҚБ нинг ўзгарувчанлиги билан тескари корреляцияси аниқланди. Илмий янгиликнинг аҳамияти: артериал қаттиқлик даражасини ва қон босимининг кунлик профилининг бузилишини аниқлаш учун, аппланацион тонометрия ва қон босимининг кунлик мониторингини ўтказиш нафақат қон босимини назорат қилиш ва органопротекция учун, балки антигипертензив дориларни танлашга дифференциал ёндошишга имкон беради, бу эса ЭГ билан оғриган беморларда когнитив функцияларни яхшилаш учун муҳимдир. Илмий янгиликни амалиётга татбиқ қилиниши: Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Наманган вилояти филиали бўйича 02.11.2023 йилдаги №191 ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти минтақавий филиали 09.11.2023 йилдаги №70 жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: аппланацион тонометрия ва кунлик қон босими профилини амалга ошириш, масалан, беморларга нитрендипинни киритиш билан комбинацияланган антигипертензив терапияни тайинлашга табақалаштирилган ёндашувни таъминлайди, бу артерияларнинг эластик хусусиятларини сезиларли даражада яхшилайдди, кунлик қон босими профили ва когнитив функцини яхшилайдди, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва терапияга риоя қилишни кучайтиришга олиб келади. Илмий янгиликни иқтисодий самарадорлиги қуйидагича ифодаланади: қондаги сийдик кислотаси даражасини аниқлаш, шунингдек, ЭГ билан оғриган беморларни нейрпсихологик текширувдан ўтказиш зарурати ва аҳамияти билан асосланади. Тадқиқот натижаларини амалга ошириш ЭГ билан оғриган беморларда асоратларни ривожланишини секинлаштириш ва йўқ қилишга имкон беради, хусусан, когнитив бузилишлар, бу охир-оқибат даволаниш самарадорлигини оширади, қайта касалхонага ётқизишни камайтирди, ногиронлик фоизини камайтирди, бу эса дори воситалари харид қилиш, лаборатория-инструментал тадқиқот усуллари ва текширувлар ўтказишда иштирок этадиган тор доирадаги мутахассислар консультациясига сарфланадиган харажатларни иқтисод қилади. Агар шифохонада бир кун ётиш 247.000 сўм, 10 кун учун 2.470.000 сўм, ЭГ билан касалланган бемор учун дори-дармон нархи бир кун учун ўртача 85.000 сўм, 10 кун учун 850.000 сўм, касалхонага ётқизиш вақтида ЭГ билан касалланган битта беморни текшириш нархи 1 433 000 сўм деб ҳисобга олска, ҳар бир бемор учун 4.753.000 сўмдан тежаш имконини беради. Хулоса: артериал қаттиқлик даражасини аниқлаш ва кунлик қон босими профилининг бузилиши ЭГ билан оғриган беморларга антигипертензив дориларни тўғри индивидуал

кабул қилишни таъминлайди, бу беморларнинг нейрпсихологик ҳолатини, ҳаёт сифатини яхшилаш, даволанишга риоя қилишни ошириш, даволаш самарадорлигини ошириш, қайта касалхонага ётқизишни камайтириш, беморларнинг ногиронлик фоизини камайтириш ва соғлиқни сақлаш тизимидаги иқтисодий харажатлар миқдорини сезиларли даражада камайтирди ва бу эса ҳар бир бемордан 4.753.000 сўмдан бюджет маблағларини иқтисод қилишга имкон яратади. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази томонидан 28.11.2022 йилдаги 181-ИК сонли хат юборилган.

Учинчи илмий янгилик моҳияти: ЭГ билан оғриган беморларда кунлик қон босими профилининг ижобий динамикаси билан нитрендипин ва амлодипинни асосида булган комбинацияланган антигипертензив терапиянинг иккала гуруҳида ҳам юқори антигипертензив самарадорлик аниқланди, шубҳасиз яхши кардио ва вазопротекция самарадорлигини акс эттирди, чап қоринча миокард массаси индексининг сезиларли пасайиши ва терапия пайтида микроалбуминурия даражасини камайиши билан ифодаланган, нитрендипинни асосида даволаш режими фондида артерияларнинг эластик хусусиятларини яхшилаш афзаллиги курсатилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: нитрендипин ёки амлодипин асосида комбинацияланган антигипертензив терапиядан фойдаланиш нафақат қон босими кўрсаткичларини яхши назорат қилади ва сезиларли органопротекцияни таъминлайди, балки ЭГ билан оғриган беморларда когнитив функцияларни яхшилайдди. Илмий янгиликни амалиётга татбиқ қилиниши: Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Наманган вилояти филиали бўйича 02.11.2023 йилдаги №191 ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти минтақавий филиали 09.11.2023 йилдаги №70 жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: нитрендипин ёки амлодипинни асосида комбинацияланган антигипертензив терапиядан фойдаланиш нафақат қон босими кўрсаткичларини яхши назорат қилади ва сезиларли органопротекцияни таъминлайди, балки ЭГ билан оғриган беморларда когнитив функцияларни яхшилайдди, бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келади, натижада терапияга риоя қилишнинг кучайиши ва асоратлар хавфини камайишига олиб келади. Илмий янгиликни иқтисодий самарадорлиги қуйидагича ифодаланади: ЭГ билан оғриган беморларда нитрендипин ёки амлодипинни асосида комбинацияланган антигипертензив терапиядан фойдаланиш самарасини кўрсатади. Тадқиқот натижаларини амалга ошириш ЭГ билан оғриган беморларда асоратларни ривожланишини секинлаштириш ва камайтиришга имкон беради, хусусан, инсулт, миокард инфаркти ва когнитив бузилиш, бу охир-оқибат даволаш самарадорлигини оширади, касалхонада қолиш муддатини 5 кунга қисқартиради. Агар шифохонада ётиш бир кун учун 247.000 сўм деб

ҳисобланса, ҳар бир бемор учун дори-дармон нархи бир кун учун ўртача 85.000 сўм, текширувсиз ҳар бир бемор учун кунига жами: 332.000 сўм, ҳар бир бемор учун 1.660.000 сўм тежалган. Хулоса: ЭГ билан оғриган беморларда нитрендипин ёки амлодипин асосида комбинацияланган антигипертензив терапиядан фойдаланиш ҳар бир беморга 1.660.000 сўмни тежаш имконини беради. Хулоса: ЭГ билан оғриган беморларда нитрендипин ёки амлодипин асосида комбинацияланган антигипертензив терапиядан фойдаланиш ҳар бир бемор учун 1.660.000 сўмни тежаш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази томонидан 28.11.2022 йилдаги 181-ИК сонли хат юборилган.

Тўртинчи илмий янгилик моҳияти: психологик тест натижалари динамикасининг қиёсий таҳлили нитрендипин асосида бўлган комбинирланган антигипертензив терапия фонида, айниқса когнитив нуқсонини бўлган беморларнинг кичик гуруҳида муҳим афзалликларни аниқлади. Илмий инновацияларнинг аҳамияти: нитрендипин асосида комбинацияланган антигипертензив терапиядан фойдаланиш, беморларда когнитив ҳолатни сезиларли даражада яхшилади. Илмий янгиликни амалиётга татбиқ қилиниши: Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Наманган вилояти филиали бўйича 02.11.2023 йилдаги №191 ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти минтақавий филиали 09.11.2023 йилдаги №70 жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: нитрендипин асосида комбинацияланган антигипертензив терапиядан фойдаланиш ЭГ билан оғриган беморларнинг когнитив ҳолатини сезиларли даражада яхшилади, бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, терапияга риоя қилишни кучайтиришга ва касалхонага ётқизиш хавфини камайтиришга олиб келади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича: ЭГ билан оғриган беморларда когнитив ҳолатни сезиларли даражада яхшилайдиган нитрендипин асосида комбинацияланган антигипертензив терапиядан фойдаланиш оқланади. Тадқиқот натижаларини амалга ошириш когнитив касалликларнинг ривожланишини секинлаштириш ва йўқ қилишга имкон беради, бу охир-оқибат даволаш самарадорлигини оширади, касалхонага ётқизиш хавфини камайтиради. Агар шифохонада бир кун ётиш 247 000 сўм, 10 кун учун 2.470.000 сўм, ЭГ билан касалланган бемор учун дори-дармон нархи бир кун учун ўртача 85.000 сўм, 10 кун учун 850.000 сўм, касалхонага ётқизиш вақтида ЭГ билан касалланган битта беморни текшириш нархи 1 433 000 сўм деб ҳисобласак, ҳар бир бемор учун 4.753.000 сўм тежаш имконини беради. Хулоса: нитрендипин асосида комбинацияланган антигипертензив терапиядан фойдаланиш ЭГ билан оғриган беморларда когнитив функцияларни сезиларли даражада яхшилади, бу эса ҳар бир беморга 4.753.000 сўмни тежаш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: Соғлиқни сақлаш вазирлигига

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази томонидан 28.11.2022 йилдаги 181-ИК сонли хат юборилган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та маҳаллий ва 10 та халқаро илмий- амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан, 4 та журнал мақоласи, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган 3та Республика, ва 1та халқаро илмий журналларида чоп этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, 4 та боб шахсий тадқиқотлар, хулоса, қўлланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 саҳифани ташкил қилди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Когнитив бузилишларнинг ривожланишида артериал гипертониянинг роли"** биринчи бобида ўрганилаётган мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар ҳақида умумий маълумот берилган. Ушбу бобда муаммонинг ҳозирги ҳолати таҳлили келтирилган, жумладан касалликнинг эпидемиология, гипертензия патогенези ва унинг мия асоратлари масалалари тавсифланган, гипертония ва когнитив бузилишларни ташхислаш ва даволашнинг асосий усуллари келтирилган. Кейинги ўрганишни талаб қиладиган масалалар доираси аниқланган ва ишнинг долзарблиги баён этилган.

Диссертациянинг **"Тадқиқот материаллари ва усуллари"** иккинчи бобида тадқиқот объекти, предмети ва усуллари, амалий статистик усуллар тасвирланган.

Илмий иш мақсадидан келиб чиқиб, клиник текширув учун ҳар икккала жинс вакилларида 30-70 ёшлардаги 2020-2022 йилларда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида "Артериал гипертензия лабораторияси"да текширувдан ўтган ЭГ I-III даражали (ЕКЖ/ЕГЖ, 2018), жами 111 бемор тадқиқотга жалб қилинган. Беморларнинг клиник хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган. Беморларнинг ўртача ёши – $54,6 \pm 10,8$ ёш, ЭГ давомийлиги – $8,8 \pm 5,52$ йил. Тадқиқотдан

чеклаш мезонлари бўлиб қуйидагилар: симптоматик артериал гипертензия; барқарор зўриқиш стенокардияси III-IV ФС, сурункали юрак етишмовчилиги II-III босқич; юрак аритмияси бўлган беморлар; ностабил стенокардиянинг барча шакллари; анамнездан охириги бир йил давомида бош мия ўткир қон айланиши бузилиши ва ўткир миокард инфаркти ўтказилганлиги, каротид атеросклероз 50% ва ундан юқори, буйрак ва жигар етишмовчилиги, оғир ёндош касалликлар, Қандли диабет, тадқиқотда иштирок этишга беморнинг рози бўлмаслиги ҳисобланади.

Барча беморлар фармакотерапиянинг 2 гуруҳига бўлинган: 1 – гуруҳ – нитрендипин (n=58) қўшилган комбинацияланган антигипертензив терапия қабул қилган беморлар, 2-гуруҳ - амлодипин (n=53) қўшилган комбинацияланган антигипертензив терапиядаги беморлар.

Жадвал № 1.

Нитрендипин ва амлодипин қўшилган 12 ойлик комбинацияланган терапиядан ўтган ЭГ билан оғриган беморларнинг клиник хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Беморлар умумий сони, n=111	1 гуруҳ n=58	2 гуруҳ n=53	Median Test	
				χ^2	p
Беморларнинг ўртача ёши (йил)	54,6±10,8	56,5±5,8	52,9±7,99	1287	0,15
АГ давомийлиги (йиллар)	8,8±5,52	9,74±5,52	7,99±5,65	1160	0,09
САҚБ (мм.сим.уст.)	159,6±16,2	157,8±16,1	161,7±16,2	1289	0,1
ДАҚБ (мм.сим.уст.)	97,3±8,35	95,9±8,85	98,2±7,68	1254	0,09
АҚБ ўрта (мм.сим.уст.)	117,9±9,84	116,5±10,1	119,3±9,36	6053	0,8
ТВИ (кг/м ²)	30,08±4,8	30,6±4,85	30,9±4,78	2412	0,2
ТВИ >30 (кг/м ²), %	57(51,35%)	28 (48,2%)	29 (54,7%)	0,4599	0,50
ТВИ >25<30 (кг/м ²), %	44(38,7%)	22 (37,9%)	22 (41,5%)	0,1482	0,70
ЧҚГ, %	90(81,0%)	49 (84,4%)	41 (77,3%)	0,9163	0,33
РЕ/РА < 1,0, %	78 (70,0%)	43 (74,0%)	35 (66,0%)	0,8698	0,35
ПТТТ >10 м/с, %	63 (56,7%)	34 (58,6%)	29 (54,7%)	0,1719	0,68
КИМ ≥0,9 мм, %	67 (60,3%)	36 (62,0%)	31 (58,4%)	0,1482	0,70
Дислипидемия, %	77 (69,3%)	42(72,4%)	35 (66,03%)	0,0821	0,77

Назорат гуруҳи юрак қон-томир патологиялари истисно қилинган Ўзбекистон аҳолисини 67 нафар соғлом одамидан иборат эди.

Нитрендипиннинг ўртача суткалик дозаси 13,6±7,05 мг, амлодипин- 6,13±2,11 мгни ташкил этди.

Дори-дармонларнинг дозалари ҳар 2 ҳафтада САҚБ (<140 мм.сим.уст.), ДАҚБ (<90 мм.сим.уст.) мақсадли қийматларига эришилгунга қадар ёки ўртача қон босими 10% ёки ундан кўпроққа камайгунча титрланган. Антигипертензив терапиядан ташқари барча беморлар гиполипидемик терапия олдилар. Агар керак бўлса, иккиламчи профилактика учун антиагрегант терапияси индивидуал равишда, хусусан, қунига 75 мг дозада ацетилсалицил кислотаси буюрилган.

Барча беморлар клиник текширувлар, яъни АҚБ суткалик мониторинг, электрокардиография, эхокардиография, апланацион тонометрия, брахиоцефал артерияларнинг ултратовуш текшируви, биокимёвий таҳлил, шу жумладан қон липид спектри, глюкоза, креатинин, қондаги сийдик кислотаси, микро-албуминурия (МАУ), сийдикнинг МАУ/креатинин нисбатини аниқлаш, нейropsихологик тест, молекуляр генетик таҳлил текиштурувларидан ўтдилар.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Excel 2010 маълумотлар базасида Статистика 10.0 дастури ёрдамида амалга оширилди. Маълумотлар қуйидаги шаклда ифодаланган: ўртача (М) ва стандарт оғиш (SD). Икки гуруҳнинг арифметик воситаларини солиштириш учун (назорат ва экспериментал) t-тест Стюдентдан фойдаланилди ва Уилкоксон мезонлари, Манн-Уитни U- мезони (параметрик бўлмаган тақсимот учун) ишлатилган. Дискрет ўзгарувчиларни таққослашда, χ^2 мезонидан фойдаланилган. Фарқлар $p < 0.05$ да статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади.


Диссертациянинг учинчи **"Эссенциал гипертензия билан оғриган беморларда ҳавф омиллари, клиник ва анамнестик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда когнитив функцияларнинг хусусиятлари"** бобида ёшга, АГ давомийлигига, таълим даражасига, биокимёвий кўрсаткичларга, ТВИ, КИМ қалинлигига қараб когнитив функцияларнинг хусусиятлари, шунингдек суткалик артериал қон босими профили ва артериал қон томирлар қаттиқлик параметрларини когнитив бузилишлар билан кўрсатилган.

Беморлар ёш бўйича 3 гуруҳга бўлинган: 1) 30-44 ёш – $n=20$ (18,0%) ёш беморлар; 2) 45-64 ёш – $n=61$ (55,0%) ўртача ёшли беморлар; 3) 65-70 ёш – $n=30$ (27,0%) – кекса ёшли беморлар. Когнитив бузилишнинг оғирлиги ёш ортиши билан ортиб бораётгани қайд этилди. Хусусан, кексалар гуруҳида Мини-Ког тест бўйича ўртача балл ёш ва ўрта ёшдаги гуруҳларга қараганда анча паст бўлди: $3,56 \pm 1,4$ балл; $4,15 \pm 0,74$ балл; ва $4,11 \pm 0,83$ балл мос равишда ($p=0,039$). Гипертензия давомийлигининг когнитив функцияларга таъсирини ўрганиш учун барча 111 бемор гипертензия курсининг давомийлигига қараб уч гуруҳга бўлинган: 1) 5 йилдан кам – $n=26$ (23,5%) бемор; 2) 5-9 йил – $n=36$ (32,4%) бемор, 3) 10 ёки ундан ортиқ йил – $n=49$ (44,1%) бемор. Гипертензия давомийлиги 5 йилдан кам бўлган беморларнинг I гуруҳида Мини-Ког тестида юқори балл олиш тенденциясига эътибор қаратиш лозим. Шунга қарамай, ушбу беморлар гуруҳида соатни чизиш функцияси II ва III гуруҳларга қараганда анча яхши еди: $1,92 \pm 0,27$ балл; $1,66 \pm 0,58$ балл; ва $1,61 \pm 0,73$ балл тегишли равишда ($p=0,041$). Шу билан бирга, энг паст балл беморларнинг III гуруҳида кузатилди, бу ерда гипертензия давомийлиги 10 йил ва ундан кўп

эди. Кейинчалик, ЭГ билан оғриган беморларда когнитив функцияларни таҳлил қилиш таълимни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Шу мақсадда барча 111 бемор таълим даражасига қараб уч гуруҳга бўлинган: 1) олий маълумотли- $n=50$ (45,1%) бемор; 2) ўрта маълумотли- $n=47$ (42,3%) бемор; 3) маълумотга эга бўлмаган - $n=14$ (12,6%) беморлар.

ЭГ билан оғриган беморларда когнитив функцияларни таҳлил қилиш, таълимни ҳисобга олган ҳолда, ўрта маълумотли беморларда олий маълумотли беморларга нисбатан МОСА шкаласи бўйича паст балл олиш тенденциясини аниқлади: $23,5 \pm 2,89$ балл; $24,46 \pm 2,76$ балл, тегишли равишда ($p=0,0853$). Шу билан бирга, визуал-конструктив ижро маҳорати ҳам ўрта маълумотли беморлар гуруҳида олий маълумотга қараганда бироз ёмонроқ эди: $3,7 \pm 1,25$ ва $4,16 \pm 1,01$ балл, тегишли равишда ($p=0,079$).

ЭГ билан оғриган беморларда когнитив функцияни, қонда сийдик кислота даражасини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, қонда сийдик кислота даражаси юқори бўлган беморларда (≥ 6 мг/дл), қонда сийдик кислотаси даражаласи паст беморларга нисбатан когнитив бузилишнинг оғир даражалари аниқлади. Сийдик кислотаси даражаси юқори ва нормал бўлган беморлар гуруҳларида когнитив нуқсони бўлган ва бўлмаган беморларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, когнитив нуқсони бўлган беморларнинг сони сийдик кислотаси даражаси меъёрий қийматлардан юқори бўлган гуруҳда деярли 1,8 баравар кўп бўлиб, 64,6% га нисбатан 35,4% ни тегишли равишда ташкил қилади ($\chi^2=8,16$, $p=0,004$) (1-расм).



1-расм. Сийдик кислотаси даражаси юқори ва нормал бўлган беморлар гуруҳида когнитив нуқсони бўлган беморларни тақсимланиши.

Клиник ва анамнестик кўрсаткичлар ва МОСА шкаласи бўйича умумий балл ўртасида корреляцион таҳлил ўтказилди, бу баъзи хусусиятларни аниқлади (2-жадвал). Гипертензия давомийлиги билан МОСА шкаласи бўйича умумий балл ўртасида тесқари корреляция қайд этилди ($R= - 0,20$, $p=0,028$); ТВИ билан ($R= - 0,21$, $p=0,025$). МОСА шкаласи бўйича умумий баллнинг КИМ қалинлиги билан тесқари корреляция тенденцияси ($R= - 0,19$, $p=0,050$).

Умумий МОСА баллари ва таълим даражаси ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик топилди ($R=0,27$, $p=0,003$).

Жадвал №2.

Клиник-анамнестик параметрлар ва МОСА шкаласи бўйича умумий балл ўртасидаги корреляцион таҳлил натижалари

	Spearman - R	p-value
АГ давомийлиги ва МОСА	-0,20	0,028
Маълумоти ва МОСА	0,27	0,003
ТВИ ва МОСА	-0,21	0,025
КИМ қалинлиги ва МОСА	-0,19	0,050

ЭГ билан оғриган беморларда кунлик АҚБ профилининг параметрларининг когнитив бузилиш билан боғлиқлигини ўрганиш натижасида кунлик қон босими профилининг бузилиши когнитив бузилишнинг оғирлиги билан боғлиқлиги аниқланди. Хусусан, тунги диппинги АҚБ ёмонлашиши билан, яъни нон-дипперлар ва найт-пиккерлар орасида когнитив нуқсони бўлган беморлар сони дипперларга қараганда анча кўрсаткичларни ташкил этди. Шунга ўхшаш ҳолат, САҚБнинг вариабеллигида ҳам кузатилди. Шундай қилиб, кундузги САҚБ вариабеллиги юқори беморларда когнитив нуқсони бўлган беморлар сони сезиларли даражада устун келди, кундузги САҚБ ўзгарувчанлиги нормал бўлган беморларда эса когнитив нуқсони бўлган ва бўлмаган беморлар сони ўртасида фарқ йўқ эди. Шу билан бир вақтда, гуруҳлар орасида фарқлар муҳим эди ($\chi^2=4,524$, $p=0,033$). МОСА шкаласи бўйича умумий балл ва ўртача кунлик САҚБ индекси ўртасида салбий корреляция ўрнатилди ($R= - 0,33$, $p=0,015$); кундузи САҚБ ўзгарувчанлиги билан ($R= - 0,40$, $p=0,000$) ва кундузи даданинг ўзгарувчанлиги билан ($R= - 0,35$, $p=0,000$). ЭГ билан оғриган беморларда Марказий гемодинамика параметрлари ва когнитив бузилиш билан артериал қаттиқлик ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш ҳам муҳим хусусиятларни аниқлади. Хусусан, ПТТТ кўпайган беморлар орасида когнитив нуқсони бўлган беморлар сони сезиларли даражада устун келди. ПТТТ кўпайган беморлар орасида МОСА шкаласи бўйича пастроқ балл ҳам аниқланди. ПТТТ индекси ($R= - 0,24$, $p=0,01$) ва мПБ ($R= - 0,27$, $p=0,007$) билан Мини - Ког тестидаги умумий балл ўртасида салбий корреляция ўрнатилди.

МАРТ генининг rs2471738 ва rs242557 полиморфизмларининг когнитив функцияларга таъсирини ўрганиш учун ўтказилган молекуляр генетик таҳлил ўрганилаётган полиморфизмларнинг Ўзбекистон аҳолисида ЭГ билан оғриган беморларда когнитив бузилиш ҳавфи билан сезиларли боғлиқлигини аниқланмади. Олинган натижалар СС генотиби ва МАРТ ген полиморфизмининг rs2471738 аллелининг когнитив нуқсони бўлган беморлар орасида ҳам, когнитив нуқсони бўлмаган беморлар орасида ҳам сезиларли даражада кўпроқ тўпланганлигини кўрсатади. Га генотиби ва МАРТ ген полиморфизмининг rs242557 G аллелининг сезиларли даражада кўпроқ

тўпланиши, шунингдек, когнитив нуқсони бўлган беморлар орасида ҳам, когнитив нуқсони бўлмаган беморлар орасида ҳам намоён бўлди.

Диссертациянинг тўртинчи “**Эссенциал гипертензия билан оғриган беморларда комбинацияланган терапияга нитрендипин ва амлодипинни кўшиш билан 12 ойлик иккита режимнинг қиёсий самарадорлиги**” номли бобида икки терапия режимининг антигипертензив самарадорлиги, юрак-қон томир ремоделирланиш динамикаси маркерлари, шунингдек, когнитив нуқсони бўлган беморларда нитрендипиннинг нейропротектив самарадорлиги батафсил тавсифланган.

Тадқиқот учун олинган беморларда 12-ойлик АГТга нитрендипин ва амлодипинни киритиш билан фониди САҚБ ва ДАҚБни нормаллаштириш давомида беморларнинг умумий клиник ҳолатида сезиларли яхшиланиш қайд этилди, жумладан, бош оғриғи, бош айланиши ва энса соҳасида оғирлик хиссининг камайиши кузатилди. Умуман олганда, 111 бемор орасида терапия фониди нохуш ҳодисаларнинг йўқлиги билан тавсифланган. 12 ойлик терапия охирига келиб, САҚБ офис қийматларининг пасайиш даражаси $20,9 \pm 8,04\%$, ДАД $-17,7 \pm 9,06\%$, ўртача қон босими – $19,3 \pm 7,5\%$, барча ҳолатларда $p=0,000$ ташиқ этди. САҚБнинг мақсадли даражаларига эришиш 96 (86,4%) беморда, ДАҚБ - 95 (85,5%), САҚБ ва ДАҚБ бир вақтда эриши эса 94 (84,6%) беморларда қайд этилди. Шунини таъкидлаш керакки, терапия режимидан қатъий назар, АҚБ ўртача кўрсаткичларини динамикада пасайишида сезиларли ижобий тенденция кузатилди. Хусусан, САҚБ ва ДАҚБнинг ўртача кунлик, ўртача кундузги ва ўртача тунги кўрсаткичлари, САҚБнинг кунлик вариабеллиги, шунингдек, САҚБ ва ДАҚБнинг кундузи ва кечаси ошган юк индекслари кўрсаткичлари терапия фониди иккала гуруҳда ҳам сезиларли даражада камайиш кузатилди. Шундай қилиб, 1 – гуруҳдаги САҚБ ўртача суткалик кўрсаткичи дастлаб $144,09 \pm 22,68$ мм.сим.уст.ни ташкил этган бўлса, динамикада бу кўрсаткич – $126,8 \pm 11,8$ мм.сим.уст. ($p < 0,001$) ташкил этди ва 2-гуруҳда бу кўрсаткич $144,08 \pm 19,9$ мм.сим.уст. ва динамикада $122,9 \pm 4,69$ мм.сим.уст. ташкил этди ($p < 0,001$). ДАҚБ ўртача суткалик кўрсаткичи $88,87 \pm 15,74$ мм.сим.уст.ни ташкил этган бўлса, динамикада бу кўрсаткич – $76,9 \pm 7,64$ мм.сим.уст. ($p < 0,001$) ташкил этди ва 2-гуруҳда бу кўрсаткич $88,5 \pm 13,5$ мм.сим.уст. ва динамикада $75,7 \pm 5,16$ мм.сим.уст. ташкил этди ($p < 0,001$).

ЭГ билан оғриган беморларда нитрендипин ва амлодипин билан иккита АГТ режими ёрдамида АҚБни яхши назорат қилиш сезиларли кардио- ва вазопротекция самарадорликка олиб келди, бу кўрсаткичлар ЧҚ гипертрофисининг сезиларли регрессияси, чап қоринча эхогеометриясининг ҳажм параметрларини яхшиланиши, марказий гемодинамика ва артериал қаттиқлик параметрларининг ижобий динамикасида кузатилган. Хусусан, 1-гуруҳда ЧҚММИ дастлаб $126,19 \pm 41,2$ г/м², динамикада – $120,98 \pm 36,4$ г/м² ($p < 0,001$); 2-гуруҳда $121,3 \pm 38,8$ г/м² ва динамикада $119,6 \pm 32,8$ г/м² ташкил этди ($p < 0,001$). Нитрендипин ва амлодипинни киритиш билан АГТнинг ишончли кардиопротектив самарадорлиги аниқ вазопротекция билан бирга

келди, бу МАУ даражасининг сезиларли пасайиши билан ифодаланди, 1-гуруҳда дастлаб $24,85 \pm 16,9$ мг/л, динамикада – $18,6 \pm 15,03$ мг/л ($p < 0,02$); иккинчи гуруҳда $42,1 \pm 36,9$ мг/л ва $25,5 \pm 29,19$ мг/л ўз навбатида ташкил этди ($p < 0,05$).

Марказий гемодинамика ва артериал қаттиқликни таҳлил қилиш нитрендипинни киритиш билан 12 ойлик АГТ самарадорлигининг афзалликларини аниқлади. Хусусан, 1-гуруҳда кўпгина кўрсаткичлар яхшиланди: Марказий САҚБ (мСАҚБ) кўрсаткичи дастлаб $156,2 \pm 21,8$ мм.сим.уст., динамикада $142,8 \pm 18,7$ мм.сим.уст.ни ташкил этди ($p < 0,02$); Марказий ПБ (мПБ) кўрсаткичи $75,1 \pm 18,8$ мм.сим.уст.га нисбатан $59,9 \pm 14,9$ мм.сим.уст. ўз навбатида ($p < 0,001$), аортал аугументация кўрсаткичи дастлабки босқичларда, $18,6 \pm 7,94$ мм.сим.уст.ни ташкил этди, динамикада бу кўрсаткич – $16,05 \pm 6,6$ мм.сим.уст. ($p < 0,001$) ва пулс тўлқин тезлиги (ПТТ) дастлабки босқичда $11,3 \pm 2,67$ м/с, динамикада $9,85 \pm 2,41$ м/с ташкил этди ($p < 0,05$). Беморларнинг 2-гуруҳида бироз бошқача расм кузатилди, бу ерда мСАҚБ индекси дастлаб $155,1 \pm 26,5$ мм.сим.уст.ни ташкил этди, динамикада бу кўрсаткич $138,9 \pm 18,5$ мм.сим.уст. ($p < 0,001$); мПБ индекси мос равишда $71,1 \pm 20,01$ мм.сим.уст. ва $61,09 \pm 14,83$ мм.сим.уст.ни ташкил этди ($p < 0,02$). Бироқ, Аортал аугументация ва ПТТ кўрсаткичлари сезиларли даражада пасаймади.

